Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 17 ноябрь, № 242 (9413) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎМОН СУЛТОНЛИГИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саиднинг таклифига биноан 16 ноябрь куни давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга келди.



Мамлакат ҳаво ҳудудида давлатимиз раҳбарининг самолётини султонлик Ҳарбий-ҳаво кучларининг қирувчилари кузатиб борди.

Масқат халқаро аэропортида Президентимизни Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид ва султонликнинг юқори даражали расмийлари кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Етакчилар расмий делегациялар аъзоларини қутладилар ва фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортнинг Султонлик терминалида бўлиб ўтган қисқа суҳбатдан сўнг давлат раҳбарлари биргаликда қоровул кутиб олди ва кузатиб келди.

Давлат раҳбарлари шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид “Ал-Аълам” саройида учрашув ўтказдилар.

Ўмон Султони давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, мазкур ташриф икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Президентимиз юксак эҳтиром ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этиб, ташриф ўзаро муносабатларни янада юқори босқичга олиб чиқиш йўлида муҳим қадам бўлишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон ва Ўмон ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда фаол ривожланиб, сиёсий мулоқот мустаҳкамланаётгани, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил кенгайиб бораётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўмон Султонлигига давлат ташрифи давомида ушбу мамлакат Инвестициялар агентлиги президенти Абдусалом ал-Муршидий бошчилигидаги йирик бизнес вакилларини қабул қилди.

Учрашувда Ўмон Савдо-саноат палатаси раиси Шайх Файсал ал-Равас, “SABCO Group” директорлар кенгаши раиси Саид Холид бин Ҳамад ал-Бусайдий, “Voltamp Energy” директорлар кенгаши раиси Саид Айман ал-Бусайдий, “Asyad Group” бош ижрочи директори Абдураҳмон бин Салим ал-Ҳатмий, “Zubair Corporation” компанияси бошқаруви кенгаши раиси Рашад Муҳаммад ал-Зубайр, “UzOman” компанияси раҳбари Умар Баҳром иштирок этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон — Ўмон инвестиция компанияси устав капиталини ошириш, тоғ-кон, “яшил” энергетика, электротехника, кимё, шаҳарсозлик, транспорт ва логистика, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ва бошқа истиқболли йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлашда янги ташкил этилаётган Ўзбекистон — Ўмон ишбилармонлар кенгашининг фаолияти муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Учрашув якунида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида қўшма ишчи гуруҳ тузиш ва бажарилган ишлар натижаларини ҳар чоракда муҳокама қилиб боришга келишиб олинди.

Масқат шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саидни икки мамлакатнинг олий давлат мукофотлари билан тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўмон Султони икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қўшган улкан ҳиссаси учун Президентимизни Султонликнинг олий давлат мукофоти — “Ол Саид” ордени билан тақдирлади.

Давлатимиз раҳбари бундай юксак эътироф учун Ўмон Султонига самимий миннатдорлик билдириб, ушбу мукофотни бутун Ўзбекистон халқига, мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорликка кўрсатилган юксак ҳурмат ифодаси сифатида қабул қилишини таъкидлади.

Ўз навбатида, Президентимиз Ўмон Султонини мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни изчил ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун “Олий Даражали Дўстлик” ордени билан мукофотлади.

Таъкидланганидек, ушбу мукофот Ўмон Султонининг икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларига Ўзбекистон халқи ва давлати томонидан билдирилган юксак эҳтиром ифодасидир.

Етакчиларнинг олий давлат мукофотлари билан ўзаро тақдирланиши томонларнинг кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлашга бўлган қатъий интилишини намоён қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шарафига Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид томонидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Давлат ташрифи муносабати билан ташкил этилган тадбирда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари, Ўмон ҳукмрон оиласи вакиллари ва юқори мартабали давлат арбоблари ҳамда султонликда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўмон Султонлигига давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Биз ва жаҳон

КЎРФАЗДАН МАРКАЗИЙ ОСИЁГАЧА МУСТАҲКАМ ИҚТИСОДИЙ КЎПРИК

Ўзбекистон ва Ўмон Султонлиги ўртасидаги муносабатлар тарихий дўстлик, ўзаро ишонч ҳамда муштарак манфаатларга таянган ҳолда изчил ривожланмоқда. 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён икки мамлакат сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни босқичма-босқич кенгайтириб келмоқда.

Бугунги жараёнлар, айниқса, давлатимиз раҳбарининг Ўмон Султонлигига давлат ташрифи, Масқатда ўтказилаётган икки мамлакат тадбиркорлари иштирокидаги бизнес-форум Ўзбекистон — Ўмон муносабатлари оддий дипломатик алоқалар доирасидан чиқиб, стратегик шерикликнинг янги босқичига қадам қўяётганини кўрсатмоқда. Ўзаро инвестициялар ва савдо ҳажмининг ўсиши, қўшма лойиҳаларнинг кўпайиши ҳамда янги келишувларга тайёргарлик икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик учун мустаҳкам асос шаклланганидан далолат беради.

Ўмон Султонлиги Арабистон яриморолининг жанубишарқида, Ҳинд океани ва Араб денгизи соҳилларида жойлашган бўлиб, стратегик географик ўрни, нефть-газ захиралари, денгиз портлари ва сиёсий барқарорлиги туфайли Кўрфаз минтақасидаги муҳим иқтисодий шериклардан бири ҳисобланади.

Ўмон иқтисодиёти нефть ва табиий газ соҳаларига катта даражада боғлиқ. Углеводородлар экспорт тушумлари, бюджет даромадлари ва ташқи савдода муҳим ўрин тутади. Бироқ мамлакат раҳбарияти нефть захиралари чекланганини ҳисобга олиб, иқтисодиётни диверсификация қилишга интилмоқда. “Oman Vision 2040” стратегияси доирасида нефть-газдан ташқари логистика ва порт хизматлари, нефть-кимё саноати, тоғ-кон ва металлургия, балиқчилик ва озиқ-овқат саноати, туризм, қайта тикланувчи энергетика, “яшил” водород, рақамли иқтисодиёт ва инновациялар каби тармоқларга устувор аҳамият берилмоқда. Шу жиҳатдан Ўмоннинг тараққиёт стратегияси Янги Ўзбекистоннинг 2030 йилгача мўлжалланган тараққиёт стратегиясига ҳамоҳанг. Ушбу стратегиянинг асосий мақсади — хомашё экспортига боғлиқликни камайтириб, юқори қўшилган қиймат яратадиган иқтисодиётни шакллантириш.

Сиёсий мулоқот ва дипломатик яқинлик

Президентимизнинг Ўмон Султонлигига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқотни иқтисодий ва инвестициявий мазмун билан бойитишга хизмат қилади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Ўмон ўртасидаги сиёсий мулоқот сезиларли даражада фаоллашди. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид ўртасида бир неча бор телефон мулоқоти ўтказилди, халқаро ва минтақавий масалалар муҳокама қилинди. Султонлик вакиллари юртимизда ўтказилаётган Халқаро инвестиция форуми ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этиб келяпти.

2024 йилда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг Масқат шаҳрига, 2025 йилда эса Ўмон ташқи ишлар вазирининг Тошкентга ташрифлари икки томонлама муносабатларга янги суръат бағишлади.

➡2

МИЛЛАТНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги авлодни шакллантириш, янги давлат тизимини барпо этиш, Янги Ўзбекистонни яратиш ғояси ҳақида

Янги Ўзбекистон ғояси илк бор айтилганида ажабланганлар, иккиланганлар бўлган. Чунки миллат ёлғонлардан, сохтагарчиликдан тўйган эди. Халқимиз мустақилликнинг дастлабки 25 йилида ўртага ташланган, лекин ҳаётда ўз ифодасини топмаган ялтироқ шиорлардан, пуч ваъдалардан безганди. Тирикчилик кундан-кунга ёмонлашар, ҳатто туғилиш даражаси ҳам пасайиб кетганди. Одамлар ўз ҳаётини ўзи билганича қуришга ўтганди. Вазият ўта оғир, қалтис эди.

Нуқтаи назар

2016 йилда халқимизни бир мақсад йўлида бирлаштириш, ҳамжиҳатлик, барқарорлик, бирдамлик томон олиб бориш учун, албатта, янги ғояга зарурат, эҳтиёж бор эди. Лекин бу ғоя одамларнинг қалбидан жой олиши, мақсадмаслагига айланиши учун, том маънода, ҳаётий бўлиши талаб этиларди.

Жаҳон сиёсатчилари фаолияти тарихига назар ташлар эканмиз, бундай залворли юкни ҳамма ҳам ўз зиммасига олавермаганини кўрамиз. Бунинг улкан масъулияти, ўзига хос сарҳисоби бор, албатта.

АҚШ тарихида 45 нафар президент келиб кетган бўлса, нима учун шу пайтгача Жорж Вашингтон ва Франклин Рузвельт аҳоли ўртасида жуда катта обрў-эътиборга эга? Биринчиси мустамлакачилик туфайли тарқалиб кетган минтақаларни бирлаштириб, давлат тузди. Дунёда илк бор президентлик институтига асос солди, АҚШ конституциясини яратди. “Миллатнинг ишончли отаси” шарафига муяссар бўлди. Иккинчиси бир ярим асрдан сўнг иқтисодий инқирозга ботиб кетган АҚШни ҳалокатдан қутқариб қолди. Фашизмни янчиб ташлаш борасида қатъиятини кўрсатди. Шунинг учун улар ўз фуқаролари орасида ҳам, бутун дунёда ҳам беқиёс ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. Тарих сабоқлари бизни ўйлашга, хулоса чиқаришга ундайди.

Ўзбекистоннинг 1991 — 2016 йилларни ўз ичига олган яқин тарихи анча мураккаб, таҳликали кечгани бизга маълум. Ташқи сиёсатда, айниқса, бу кўзга яққолроқ ташланарди. Ўзбекистон қайсидир маънода ҳатто ўзи мансуб бўлган минтақада ҳам яккаланиб қолганди. Ички сиёсатнинг ҳам ўзига хос нозик томонлари, чигалликлари бор эди. Бу вазиятни оқилона бартараф этиш, мамлакатни, миллатни ягона ғоя атрофида бирлаштириш зарур эди. Шу нуқтаи назардан, Янги Ўзбекистон ғояси, кимлардир калтабинларча ўйлаганидек, номига илгари сурилгани йўқ. У чуқур асосларга, ўтмиш хулосаларига, келажак мақсадларига асосланган.

Бу нима учун зарур эди? Биринчидан, Ўзбекистон минтақадаги мавқеини бой бериб қўйган эди. Қўшни давлатлар билан муносабатлар боши берк кўчага кириб қолганди. Вазият бутунлай издан чиқиб кетганди. Буни ҳамма билар, лекин нафасини ичига ютарди. Бир сўз билан айтганда, эски Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда бутунлай ишончни йўқотганди. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳам алоқалар ҳавас қиларли даражада эмасди. Тор доирада, ўта чекланган миқёсда ҳаракатланишга мажбур эдик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2020 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 75-сессиясидаги нутқида **“Бундан уч йил муқаддам мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий минбаридан Ўзбекистоннинг туб ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қарори қатъий эканини айтган эдим. Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди”**, деган эди.

➡2

Фракциялар ҳаёти



ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга доир масалалар ҳамда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Капитал бозорида очиқлик ва шаффофлик таъминланади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимизнинг БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенцияси томонлари конференцияси 31-сессиясида илгари сурган ташаббусларининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

➡3

ҲАР БИР ИНСОННИНГ СОҒЛОМ ВА УЗОҚ УМР КЕЧИРИШИ – ЖАМИЯТ БАХТИ ВА ФАРОҒАТИ

Бундан ўн йил аввал Президентимиз Шавкат Мирзиёев кенг қамровли ислоҳотлар ташаббусини илгари сурганида олдимизда бир қарашда амалга ошиши қийин туюлган довонлар бор эди. Зеро, бу ўзгаришлар тафаккуримиз ва дунёқарашимизни, турмуш тарзимиз ҳамда келажак ҳақидаги тасаввурларимизни янгилашни тақозо қиларди.

Юксалиш одимлари

Тарихнинг мураккаб синовларидан мардона ўтган халқимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида қатъий ишонч ва пухта режалар билан олға бормоқда. Ўтган давр шуни кўрсатдики, инсонга эътибор қаратилиб, ташаббуслари қўллаб-қувватланса, унинг бунёдкорлик салоҳияти тасаввур қилганимиздан ҳам кенгроқ намоён бўлар экан.

Бугунги ютуқлар келгуси марралар учун мустаҳкам замин яратди. Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келгуси ўн йилликни “миллий юксалиш даври” деб эътироф этди. Ушбу нуқтда илгари сурилган етти миллий дастур эса юртимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўналишларини белгилаб беради. Айни жараёнда билим ва тафаккурни асосий капиталга айлантириш, халқимизнинг соғлом бўлиши ва узоқ умр кўришини таъминлаш, юқори технологияли ва рақобатбардош иқтисодиёт, сув ҳамда экологик барқарорлик, қонун устуворлиги, маҳаллаларни жамият тараққиётининг фаол бўғинига айлантириш, Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ҳамда очиқ давлат сифатидаги халқаро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган ҳаётбахш дастурлар бир-бирини изчил равишда тўлдиради. Бу борадаги замонавий ёндашувлар мазмун-моҳиятида “инсон манфаатлари”, “инсон қадри” сингари эзгу тамойиллар мужассам экани янада аҳамиятлидир.

Тиббиётдаги ислоҳотлар: кеча ва бугун

Ислоҳотлар натижадорлиги ҳақида гапирганда, соғлиқни сақлаш соҳасини алоҳида эътироф этиш лозим. Маърузада айтилганидек, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ажратилаётган маблағ сўнгги йилларда 8 каррадан зиёд оширилди. Сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти марказда ҳам, ҳудудларда ҳам кенгайиб, жаҳон андозалари даражасидаги муҳташам тиббиёт муассасалари бунёд этилди ҳамда хусусий секторга кенг имконият берилди. Натижада юртимизда тиббий хизматлар ҳажми уч карра ошди, илгари хорижда бажарилган 100 дан ортиқ мураккаб диагностика ва даволаш усуллари йўлга қўйилди.

Тиббиёт ҳақида сўз кетганда, “Ким эдигу ким бўлдик?” деган саволга ўз тажрибамдан жавоб бергим келади. Туман ҳокими бўлиб ишлаган пайтимда марказий шифохонанинг энг зарур эҳтиёжлари учун ҳам маблағ топиш қийин бўлган кунларни яхши эслайман.

➡3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 17 ноябрь

МИЛЛАТНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги авлодни шакллантириш, янги давлат тизимини барпо этиш, Янги Ўзбекистонни яратиш ғояси ҳақида

1 Дарҳақиқат, 2017 йилда давлатимиз раҳбари халқ билан ҳамжиҳатликда Янги Ўзбекистон пойдеворини барпо этишга киришди. Салкам ўн йил ўтди. Биз нафақат Янги Ўзбекистонни, балки янги давлат тизимини йўлга қўйдик. Бундан кўзланган бош мақсад аслида озод, жасоратли, ватанпарвар янги авлодни — миллатнинг янги қиёфасини шакллантириш эди.

Тўғрисини тан олиб айтишимиз керак. Биз мустақилликнинг дастлабки 25 йили давомида давлат ва халқ ўртасидаги ишончни ўлдирдик. Ҳатто муқаддас мустақиллик ҳам ўз жозибаси ва аҳамиятини йўқотиб борарди.

Назаримда, дунёдаги энг мудҳиш туйғу — бу Ватанга ишонмаслик, Ватанни севмаслик, Ватаннинг эртаси йўқ деб ҳисоблаш. Мен бу ўринда ўша кунлардаги муаммоларни санайдиган бўлсам, адоғи йўқ.

Олим илм эъзозланадиган мамлакатни ихтиёр этди. Спортчи бошқа бир давлатнинг шарафини ҳимоя қилишга киришди. Ёшларимиз ўз куч-қудратини мусофир ўлкаларга сарфлади. Очиқдан-очиқ юртдан безиш, кетишга даъват, умидсизлик ҳукм сурарди.

Миллат қалбидаги дардни, кемтикни, алам ва изтиробни кетказадиган, тозалайдиган бир улуғ инсонга эҳтиёж бор эди. Одамларнинг сабр косаси тўлганди. Озгина бир сабаб уларни қуюшқондан чиқариб юбориши тайин эди.

Шундай бир вазиятда Президент Шавкат Мирзиёев кучли сиёсий ирода намойиш этиб, Янги Ўзбекистон ғоясини илгари сурди. Бу ғоя, биринчи навбатда, миллат томонидан сўзсиз қабул қилинган бўлса, иккинчидан, бутун дунёда Ўзбекистоннинг ижобий имижини яратишга йўл очмоқда.

Президентимизнинг очиқлик сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин кутиб олинди. Ёпиқ эшиклар очилди. Халқаро ташкилотларнинг қора рўйхатларида муҳрланган Ўзбекистон номи бутунлай ёруғликка чиқди. Мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан ечилмаган бирор-бир муаммоси қолмади. Ҳатто Афғонистон билан ҳам сиёсий мўътадилликка эришилди. Энди Ўзбекистон дунёнинг ҳеч бир давлати билан зиддиятга эга эмас.



Бу Янги Ўзбекистон ғоясининг ғалабаси эмасми?

Бу Янги Ўзбекистон концепциясининг ҳаётийлиги тасдиғи эмасми?

Қадимги Юнонистоннинг Дельфа шаҳридаги Аполлон ибодатхонасида “Ўзингни англаб ет!” деган ёзув бўлган экан. Миллат ўтган ўн йил ичида ўзини англашдек ғоятда оғир, машаққатли, синовли йўлни босиб ўтди.

Миллатнинг янги қиёфаси, деганда менинг кўз олдимда жаҳон шахмат тожини Ўзбекистонга олиб келиш учун жон-жаҳди билан интилаётган Жавоҳир Синдоров, елкаси ерга тегмаган афсонавий япон курашчиси Ута Абени мағлуб этган Диёра Келдиёрова, жаҳон футболининг диққат марказида турган Абдуқодир Ҳусановдек ёшларимиз гавдаланади.

Янги авлод фақат спортда эмас илм-фан борасида ҳам ўз сўзини айтмоқда. Бунга мисоллар жуда кўп. Биргина СамДУ битирувчилари орасида жаҳоннинг нуфузли университетлари магистратурасида, докторантурасида таҳсил олаётган ўнлаб ёшларнинг борлиги мени жуда қувонтиради.

Самарқанд давлат университетининг Оптика ва спектроскопия кафедраси тадқиқотчиси Дилфуза Умарова QS рейтингида “ТОР — 600” мақомига эга, Венгрияда 2, Европада 22-ўринни эгаллаган, 1538 йилда ташкил топган, бугунги кунда физика, биология, астрономия, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, тиббиёт соҳалари учун мутахассис тайёрлашга ихтисослаштирилган дунёдаги энг нуфузли олий таълим муассасалардан бири бўлган Дебрецен университетида профессор Андрас Сэҳи илмий раҳбарлигида PhD диссертациясини ҳимоя қилди.

Ёшларимиз юксак марраларни кўзламоқда. 2026 йил 24 февраль куни Кўксарой қароргоҳида Президентимиз ёшлар билан мулоқот қилди. Мана шу учрашувда Саудия Арабистонида ўтказилган 56-халқаро кимё олимпиадаси олтин медали соҳиби Далер Раҳимов **“Президентим менга 1 миллиард 40 миллион сўм мукофот берди. Мен 16 ёшимда миллиадерга айландим. Орзуим Ўзбекистонга Нобель мукофотини олиб келиш”**, деди. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекфильм” киностудиясидаги учрашувида эса Яшнобод туманидаги 145-мактаб ўқувчиси Сирожиддин Шуҳратов **“Ўн ёшдаман, актёрликка қизиқаман. Олдин болалар учун лойиҳалар жуда кам эди. “Серсавол” фильмида бош ролни ижро этдим. Мен Ўзбекистонга “Оскар” мукофотини олиб келаман”**, деди. Бу сўзларни эшитиб, ёшларимизнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, орзу-интилишларидан лол қолмаслик мумкинми?

Президентимиз хорижий сафарлари чоғида миллатдошларимизнинг янги авлод вакиллари билан учрашади. Бу ёшлар чет элда бўлсалар-да, уларнинг қалбида Ватан бор, Ўзбекистон бор, миллат шаъни бор. Улар Ватан учун ўқимоқда, Ватан учун яшамоқда. Уларда улуғвор мақсад бор. Миллатнинг янги қиёфаси, деганда мен айнан мана шу ёшларни назарда тутяпман.

Жадидчилик ҳаракати асосчиси Исмоилбек Гаспринский миллат тақдири ҳақида қайғуриб, шундай деган эди: **“Агар биз муайян тарихий шароитлар туфайли бошқа халқлардан ортда қолган бўлсак, бу ҳали бизни миллий, маданий инкишоф ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Аксинча, бу ҳолат бизни ўша мақсад сари янада катта ғайрат ва шижоат билан интилишга ундаши керак. Буни биздан халқимизнинг тарихи ва тақдири талаб этади. Улуғ вазифалардан ва улуғ интилишлардан қўрқмаслик керак. Зеро, улар улуғ воқеаларга замин яратади ва улуғ шахсларни камол топтиради”**.

Ўзбек миллати 2016 — 2026 йилларда покланиш, янгиланиш фаслини бошидан кечирди. Бу жараёнсиз бўлмас эди. Миллатга тоза қон, соғлом фикр, озод тафаккур зарур эди. Биз, аввало, қуллик асоратларидан халос бўлишимиз, мутелик, лоқайдлик иллатларидан покланишимиз муҳим эди. Миллат қалбида Ватанга муҳаббат, юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини уйғотиш зарур эди.

Мулоҳазаларимни Президентимизнинг мана бу фикрлари билан якунламоқчиман: **“Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залварли ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”**.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Жамоатчилик эшитуви

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛЯПТИМИ?

Қуёш энергетикасини ривожлантириш, хавфсизлигини таъминлаш, электр энергиясига талабни қондириш, қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ҳамда “Юксалиш” ҳаракати ҳамкорлигида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган қуёш панелларидан самарали фойдаланиш ҳамда соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш масалаларига бағишланган жамоатчилик эшитуви ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизнинг 13 та ҳудудидаги 26 та туман ва шаҳарларда аҳоли хонадонлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида ўтказилган жамоатчилик мониторинги натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

Мониторинг жараёни қуёш панелларининг аксарияти ишлаётганини кўрсатиш билан бирга, тармоққа уланиш ва реверсив ҳисоблагичлар ўрнатишдаги кечикишлар, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги, техник хизмат кўрсатишдаги камчиликлар каби муаммолар борлигини ҳам юзага чиқарди. Бундан ташқари, айрим объектларда қурилмаларга ҳақиқий эҳтиёж ва энергия истеъмоли, шунингдек, молиявий рағбат етарли даражада бўлмагани ҳисобга олинмасдан ўрнатилган.

Муҳокамада сенаторлар аниқланган муаммоларни бартараф этиш, электр тармоқлари инфратузилмасини яхшилаш, тўлов интизомини таъминлаш, қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, имтиёзли кредит ва солиқ рағбатларини кенгайтириш бўйича тавсиялар берди. Тадбиркорларнинг қуёш панелларини тўғри танлаш, ўрнатиш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги масъулиятини ошириш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Жамоатчилик эшитуви якунида масъул вазирлик ва идораларнинг аниқланган муаммоларни бартараф этиш, тармоққа уланиш ва тўловлар жараёнини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

«Халқ сўзи».

Парламент дипломатияси

ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаев Туркия Буюк миллат мажлиси депутати, “Туркия — Ўзбекистон” парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси Осман Местен бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги парламентлараро мулоқотни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакат Президентларининг қатъий сиёсий иродаси ҳамда ўзаро ишончга асосланган дўстона муносабатлари туфайли Ўзбекистон ва Туркия ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Суҳбат чоғида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, ҳудудлар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, иқтисодий дипломатия воситаларини қўллаш, туркий дунё ишбилармонлар уюшмалари билан ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга устувор аҳамият қаратиш зарурлиги қайд этилди.

ИҚЛИМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ТАЖРИБА АЛМАШИНУВИ

Туркиянинг Анталия шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича 31-конференцияси (“COP31”) доирасида Парламентлараро Иттифоқ (IPU) ҳамда Туркия Буюк миллат мажлиси ҳамкорлигида парламентлараро учрашув ташкил қилинди.

Унда Ўзбекистон, Туркия, Австралия, Австрия, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия, Германия, Гана, Кения, Миср, Того, Фижи каби дунёнинг кўплаб мамлакатлари парламент, ҳукумат аъзолари ҳамда БМТ тузилмалари ва етакчи илмий-тадқиқот институтлари вакиллари иштирок этди.

Мазкур халқаро анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Равшан Мамутов ҳамда Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси Екатерина Смесова ҳам қатнашди.

Парламентлараро учрашув доирасида ўтказилган бешта тематик сессияда депутатлар, етакчи олимлар ва халқаро экспертлар иштирокида иқлим сиёсатининг келажаги ҳамда замонавий иқлим реалликлари шароитида қонун чиқарувчи органлар олдида турган долзарб вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Хусусан, илмий далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш, “Ноль чиқинди” (Zero Waste) ташаббуси доирасида чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва метан чиқиндиларини қисқартириш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида урғу қаратилди.

Шу билан бирга, Париж битими мақсадларига эришиш учун иқлим лойиҳаларига хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш, Давлат бюджетида экологик харажатларнинг шаффоф ва самарали йўналтирилиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш механизмлари кўриб чиқилди. Тадбир давомида қонун ижодкорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Иқлим ўзгариши ва иқлим ечимлари бўйича парламент аъзолари учун 2026-2027 йилларга мўлжалланган глобал қўлланма” тақдимоти ҳам ўтказилиб, иқлим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашинуви механизмлари муҳокама этилди.

Учрашув якунида бутун дунё парламентларининг иқлим ўзгаришига қарши саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, парламентлар олдидаги устувор вазифалар ва келгуси ҳаракатлар йўналишларини белгилашга қаратилган якуний ҳужжат қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

КЎРФАЗДАН МАРКАЗИЙ ОСИЁГАЧА МУСТАҲКАМ ИҚТИСОДИЙ КЎПРИК

1 Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар ҳам мунтазам давом этмоқда. Жорий йил 30 июнь куни Масқатда маслаҳатлашувларнинг тўққизинчи давраси ўтказилгани икки томонлама кун тартиби изчил шаклланаётганини кўрсатади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов бошчилигидаги делегациянинг Ўмон Давлат кенгаши раиси Шайх Абдулмалик бин Абдуллоҳ ал-Халилий билан учрашуви парламентлараро ҳамкорликка янги имкониятлар очди. Парламентлараро алоқалар қонун ижодкорлиги тажрибаси, иқтисодий ҳамкорликка оид ҳуқуқий асослар ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Бугунги кунда икки давлат халқаро муносабатларда низоларни дипломатик йўл билан ҳал этиш, давлатлар суверенитетини ҳурмат қилиш ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига содиқ. Ўмоннинг Яқин Шарқдаги мураккаб вазиятларни тинч йўл билан ҳал этишдаги воситачилик салоҳияти Ўзбекистон учун ҳам муҳим тажриба ҳисобланади. Масқатнинг АҚШ ва Эрон ўртасидаги мулоқотларга мезбонлик қилиши, Яман инқирозини юмшатишдаги саъй-ҳаракатлари Ўмоннинг минтақавий дипломатиядаги ўзига хос ўрнини кўрсатади. Ўзбекистон БМТ ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро майдонларда Ўмоннинг тинчлик ва хавфсизликка қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Инвестициявий ҳамкорлик: имкониятдан натижага

Икки мамлакат ўртасида савдо ва инвестициявий алоқалар босқичма-босқич ривожланмоқда. Бироқ инвестицияларнинг ҳақиқий самараси уларнинг миқдори билан эмас, ишлаб чиқариш қувватлари, янги иш ўринлари, технологиялар трансфери ва экспорт ҳажми билан баҳоланади. Шу жиҳатдан Ўмон капитали иштирокидаги лойиҳаларни саноат, логистика, энергетика, озиқ-овқат ва туризм соҳаларида аниқ натижаларга йўналтириш муҳим.

Ўзбекистонда Ўмон капитали иштирокида 10 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Қиймати 3,2 млрд. доллар бўлган 20 та янги қўшма лойиҳа эса ишлаб чиқиш босқичида. Бу кўрсаткич ўзлаштирилган сармоя ҳажмини эмас, истиқболли лойиҳалар портфелини англатади. Демак, асосий вазифа — уларнинг молиялаштириш манбалари, ижрочилари ва муддатларини белгилаб, лойиҳаларни амалий босқичга олиб чиқиш.

Ўзбекистон — Ўмон инвестиция компанияси — “UzOman” бундай ҳамкорлик учун мавжуд молиявий механизмлардан биридир. Компания капиталида Ўмон инвестиция бошқармаси 75 фоиз, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 25 фоиз улушга эга. У қўшма ташаббусларни молиялаштириш билан бирга, технология ва бошқарув тажрибасини жалб қилиш имконини ҳам беради.

Иқтисодий алоқалар истиқболлари

Ўзбекистон Ўмон учун Марказий Осиёнинг энг йирик бозорларидан бири ва минтақавий ҳамкорлик учун қулай шерик. Ўмоннинг Ўзбекистон орқали Марказий Осиё бозорига киришга, яъни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа бозорларга чиқиш имкони кенгаяди. Ўмон капитали Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, маҳсулотни Марказий Осиё ва бошқа мамлакатларга экспорт қилиши, Ўзбекистон Ўмоннинг озиқ-овқат хавфсизлигига ҳисса қўшиши мумкин.

Ўмон озиқ-овқат маҳсулотларининг бир қисмини импорт қилади. Ўзбекистон эса мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотлари, қуруқ мевалар, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини экспортга чиқариш салоҳиятига эга. Шунинг учун Ўзбекистон Ўмон бозорига сифатли ва рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериши мумкин. Бунинг учун совиткичли омборлар, сертификатлаш, қадоқлаш ва логистика тизимларини ривожлантириш лозим. Ўмоннинг сув танқис шароитда қишлоқ хўжалигини юритиш тажрибаси ҳам Ўзбекистон учун жозибадор. Томчилатиб суғориш, шўрланишга қарши технологиялар ва чўл ҳудудларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳамкорлик икки томон учун зарурдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги ички юк терминалларини Ўмоннинг халқаро логистика тизими билан боғлаш таклифлари географик чекловларни юмшатишга хизмат қилиши мумкин. Ўмонда ўзбек маҳсулотлари учун савдо-тақсимот ҳамда логистика марказларини ташкил этиш ва уларни Ўзбекистондаги логистика тармоқларига улаш экспортчиларга янги йўналишлар очади. Махсус иқтисодий зоналарни бошқариш тажрибаси алмашинуви ҳам амалий аҳамиятга эга. Агар икки мамлакатнинг эркин иқтисодий зоналари ўртасида ишлаб чиқариш кооперацияси йўлга қўйилса, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Ўмоннинг савдо ва транспорт имкониятлари орқали кенгроқ бозорларга чиқиши мумкин.

Ўмон географик жиҳатдан Ўзбекистондан узоқ бўлса-да, унинг портлари, молиявий имкониятлари ва Осиё — Африка — Европа йўналишларидаги савдо алоқалари мамлакатимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг Кўрфаз давлатларига йўналтирилган экспорт юклари, асосан, Туркманистон ва Эрон орқали ташилади. Бандар-Аббос порти бу жараёнда муҳим ўрин тутади. Бироқ минтақа ва жаҳондаги ўзгарувчан вазият транспорт йўналишларини диверсификация қилиш заруратини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўмоннинг Сўҳар ва бошқа портлари Ўзбекистон



учун муқобил денгиз йўналишларини таклиф этади. Ўмоннинг энг катта устунликларидан бири денгиз йўлларига яқин жойлашганидир. Салала, Сўҳар ва Дуқм портлари мамлакатнинг халқаро логистика салоҳиятини белгилайди. Айниқса, Дуқм порти Ҳинд океани соҳилидаги стратегик нуқта сифатида ривожлантирилмоқда.

“Сўҳар” эркин иқтисодий зонасида логистика хизматларига ихтисослаштирилган қўшма Ўзбекистон — Ўмон компаниясини ташкил этиш режаси икки мамлакат ҳамкорлигининг энг амалий йўналишларидан бири бўлиши мумкин. Бундай компания Ўзбекистоннинг ички юк терминалларини Ўмон портлари ва халқаро логистика тармоқлари билан боғлаш, экспорт юкларини сақлаш, қайта қадоқлаш ва тақсимлаш хизматларини йўлга қўйиш имконини беради. Натижада ўзбек маҳсулотларининг Яқин Шарқ, Ҳинд океани соҳили ва Африка бозорларига чиқиши осонлашади.

Умумий тарих ва маданий мерос

Ўзбекистон ва Ўмон халқларини боғлаб турувчи тарихий ришталар илк ислом даврига бориб тақалади. Машҳур тарихчи, дипломат ва олим Абдураззоқ Самарқандий 1442 йилда Ҳиндистонга дипломатик сафар чоғида Ўмонда бўлган ва бу юрт ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган. Шунингдек, Уммавийлар даврида Хуросон ҳокими бўлган ўмонлик саркарда Муҳаллаб ибн Абу Суфра ҳамда Бухорода Ибн Синонинг шогирди бўлган ўмонлик табиб ас-Саҳорий ибн аз-Заҳабий фаолияти икки халқ ўртасидаги қадимий алоқалардан далолат беради.

Тошкентда Ўмон Султонлиги кўмагида ташкил этилган Беруний институти кутубхонаси икки мамлакат ўртасидаги илмий ва маданий ҳамкорликнинг муҳим рамзидир. 40 нафардан зиёд ўзбекистонлик ўқитувчи ва талабалар Султон Қобус марказида малака ошириш дастурларини тамомлагани таълим соҳасидаги алоқалар кенгайиб бораётганини кўрсатади. Ёш ўзбекистонлик дипломатларнинг Масқатда, ўмонлик дипломатларнинг эса Тошкентда ўқув курсларида иштирок этаётгани ҳам профессионал алоқаларни мустаҳкамламоқда. Келгусида Ўмонда Ўзбекистон маданияти кунлари, кўргазмалар, фольклор чиқишлари ва туризм тадбирларини ташкил қилиш икки халқнинг ўзаро танишувини янада чуқурлаштиради.

3 июль куни Масқат — Тошкент йўналишида “Oman Air” авиакомпаниясининг мунтазам парвозлари бошлангани тадбиркорлар, сайёҳлар, талабалар ва илмий муассасалар учун янги қулайликлар яратди. Ўзаро визасиз сафар қилиш тартиби ҳам туризм ва бизнес алоқаларини ривожлантириш учун муҳим омилдир. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарлари ўмонлик сайёҳлар учун қизиқарли йўналиш бўлса, Ўмоннинг денгиз соҳиллари, тарихий қалъалари ва табиий манзаралари ўзбекистонлик сайёҳлар эътиборини жалб қилмоқда. Туризмни ривожлантиришда зиёрат туризми, маданий мерос, гастрономик йўналишлар ва оилавий саёҳатларга мос турпакетларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бу соҳада авиақатновлар билан бирга, туроператорлар ўртасидаги ҳамкорликни ҳам кучайтириш зарур.

Ташрифдан кутилаётган натижалар

Президентимизнинг Ўмон Султонлигига давлат ташрифи икки мамлакат муносабатларини янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз. Ташриф қўшма инвестиция лойиҳаларининг аниқ масъуллари ва муддатларини белгилаш, “Сўҳар” эркин иқтисодий зонасида логистика компаниясини ишга тушириш, экспортчилар учун мукобил транспорт йўналишлари ва тарифларини ишлаб чиқиш, саноат кооперацияси ва махсус иқтисодий зоналар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни кучайтириш, энергетика ва сув теҳовчи технологиялар бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, илмий тадқиқотлар ва талабалар алмашинувини кенгайтириш, маданий кунлар ва туризм форумларини мунтазам ташкил этиш ишига кўмаклашиши кутилади.

Бу эса Ўзбекистон — Ўмон муносабатларини тарихий яқинлик, сиёсий ишонч ва иқтисодий манфаатларни уйғунлаштирган шериклик босқичига олиб чиқади. Эндиликда асосий вазифа — мавжуд имкониятларни аниқ шартномалар, қўшма корхоналар, логистика маршрутлари, таълим дастурлари ва маданий лойиҳаларга айлантиришдир.

Ўзбекистон — Ўмон ҳамкорлигининг келгуси босқичида сиёсий ишончни амалий иқтисодий натижалар билан мустаҳкамлаш муҳим. Бунинг учун қўшма лойиҳаларни мослаштириш, экспорт йўналишларини аниқлаш, логистик харажатларни ҳисоблаш, махсус иқтисодий зоналар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш ва ҳар бир ташаббус ижросини мунтазам баҳолаш зарур. Шунда Ўзбекистон ва Ўмоннинг ўзаро муносабатлари нафақат икки мамлакат, балки Марказий Осиё ва Кўрфаз ўртасидаги муҳим иқтисодий ва гуманитар кўприк сифатида намоён бўлади.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
Андижон давлат педагогика институти ректори, тарих фанлари доктори, профессор.

Ўмоннинг «Силал» бозори ҳудудида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун махсус павильон очилади ва олти ой давомида харидорларга намойиш этилади.

ҲАР БИР ИНСОННИНГ СОҒЛОМ ВА УЗОҚ УМР КЕЧИРИШИ – ЖАМИЯТ БАХТИ ВА ФАРОҒАТИ

1 Бемор ёрдамга муҳтож, аммо даволаш учун шароитлар етарли эмасди, малакали врачлар ҳам кам эди. Дори-дармон йўқ, “тез ёрдам” машиналари жуда эскирган, ҳатто ёнилғи топиш ҳам муаммо бўлган. “Тез ёрдам” чақирилса, 40 дақиқадан бир соатгача, узоқ жойларда эса ҳатто икки соатгача етиб боролмасди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятини бошлаганида илк йиғилишлардан бирини соғлиқни сақлаш масалаларига бағишлагани бежиз эмас. Ўшанда тиббий хизматнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш ислоҳотларнинг устувор вазифалари этиб белгиланди.

Мамлакатимизда шу йил тиббиёт учун ажратилган маблағ 49 триллион сўмга етди. Бу борада Фарғона вилоятининг ўзига 4 трлн. 19 млрд. 445 млн. сўм маблағ йўналтирилди (ушбу маблағ ўн йил аввал 1 триллионга ҳам етмас эди). Илгари бир беморга бир кунда сарфланадиган дори атиги 500 сўм атрофида ҳисобланган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 30 — 50 минг сўмгача етди. Ўн йил олдин дори воситаларини электрон тайинлаш тартиби мавжуд бўлмаган. Ҳозирда эса 90 фоиз дорихона мазкур хизмат билан қамраб олинган. Бу ўзгаришнинг одамлар учун аҳамиятини яна бир мисолда кўриш мумкин. Илгари фақат пойтахтда бажарилган 400 дан ортиқ турдаги юқори технологик амалиётлар бугун вилоят ва туманларда ҳам ўтказилмоқда. Қанчадан-қанча оилалар учун



бу узоқ йўл, ортиқча харажат ва даволаниш учун кетадиган вақтнинг қисқариши демакдир.

Тез ёрдамдаги ўзгариш ҳам кўзга яққол ташланади. Ҳозирги кунда Фарғона вилоятида 19 та тез тиббий ёрдам станцияси, 54 та кичик станция, 135 та шохобча ҳамда 307 та замонавий тез ёрдам бригадаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Тезкорлик ва хизмат сифатини ошириш мақсадида вилоятда ягона Call-марказ ташкил этилди. Оилавий поликлиникалар қошидаги шохобчалар тез ёрдам кўрсатиш вақтини 5 дақиқагача қисқартирди. Маҳаллаларда оилавий шифокорнинг касалликни эрта аниқлаш ва оғир асоратларнинг олдини олишдаги ўрни кучайди. Давлат тиббий суғуртаси орқали кафолатланган хизматлар ва дори воситаларини бюджет ҳисобидан олиш имконияти кенгаймоқда.

Вилоят раҳбари сифатида мен учун ушбу ислоҳотларнинг энг муҳим мезони оддий: инсон ўз туманида касаллигига қанчалик тез аниқ ва сифатли ташхис қўйдира оляпти? Зарур муолажани олиш учун қанча йўл босиши керак? Оғир аҳволда қолган беморга тез ёрдам ўз вақтида етиб боряптими? Шу маънода, бугун барча масъуллар Фарғонадаги ҳар бир маҳаллада одамлар бу саволларга ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар билан жавоб бера олиши учун ишлашимиз шарт ва зарур.

Вилоятимизда кейинги йилларда айнан тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, хусусий сектор ва тиббий туризмни фаол қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш борасида эришилаётган натижалар эътиборга молик. Айни пайтда вилоятда 1 370 та тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатаётгани, шундан 998 таси хусусий сектор ҳиссасига тўғри келиши соҳадаги янгиланишлар жараёни нечоғли жадал ва улкан эканини англатади.

Сифат, тезкорлик ва рақамлаштириш

Мамлакатимиз тиббиёти илгариги қоғозбозлик, бюрократия, оворагарчиликлардан холи, замонавий рақамлашган тизимга айланиб улгурди, кенг маънода халққа яқинлашди. Вилоятимизда биринчи бўғинда сифатли ва малакали хизмат кўрсатиш имконини яхшилаш мақсадида 147 та оилавий поликлиника, 160 та оилавий шифокор пункти фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, шаҳар-туманлар кесимида 46 та шифохона, 18 та кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда замонавий мезонлар асосида ташкил этилган маслаҳат-диагностика бўлими халқимиз хизматида. Таъкидлаш ўринлики, бу борада сон эмас, сифат, хавфсизлик тамойиллари устувор ҳисобланади.

Кейинги йилларда вилоят тиббиёт марказлари ва филиалларига замонавий



диагностика (КТ, МРТ, рақамли рентген, ультратовуш) жиҳозлари ўрнатилиб, илгари пойтахтда ёки хорижда амалга оширилган мураккаб кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, ортопедик ҳамда эндоваскуляр жарроҳлик амалиётлари фарғоналик шифокорлар томонидан муваффақиятли бажарилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида вилоят миқёсида қарийб 14 минг нафар беморда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Айни йўналишда шаҳар-туманларда 25, вилоят даражасида эса 135 турдаги юқори технологик лапароскопик, торакоскопик ва эндоваскуляр жарроҳлик амалиётлари ҳамда даволаш усуллари амалиётга кенг татбиқ этилди. Натижада беморларнинг пойтахтдаги ихтисослаштирилган марказларга бориши 75 фоиз ҳамда хориждан нажот излаши 40 фоиз камайишига эришилди.

“Электрон соғлиқни сақлаш” тизими доирасида электрон рецепт, мутахассис қабулига онлайн ёзилиш ва беморларнинг электрон тиббий карталарини юритиш тизими босқичма-босқич жорий этиляпти. Айни жараёнда Фарғона вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг тезкорлиги, шаффофлиги ва сифатини ошириш мақсадида “DMED” ягона тиббий ахборот тизими имкониятларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

Замонавий ёндашув электрон тиббий карта орқали беморнинг шифокорга мурожаати, ташхис, лаборатория ва диагностик текширув натижаси, қабул қилинган даволаш чораси, электрон рецепт ва йўлланмалар бўйича маълумотларни ягона тизимда юритиш имконини беради.

Аҳолига қулайлик яратиш ва тиббиёт муассасаларидаги навбатларни қисқартириш мақсадида беморларни шифокор ва тор соҳа мутахассислари қабулига электрон тарзда ёзиш ҳамда тиббиёт муассасалари ўртасида электрон йўлланма бериш амалиёти жорий этилаётир.

Умуман олганда, давр талаби асосида вилоятдаги барча тиббиёт муассасаларида электрон навбат, лаборатория ахборот тизими (LIS), тиббий тасвирларни сақлаш ва алмашиш (PACS), касса, омбор ва бошқа рақамли модулларни жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича ишлар изчил олиб бориляпти. Тизимдан тўғри фойдаланиш учун шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларида IT мутахассислари фаолияти йўлга қўйилди. Шу билан бирга, тиббиёт муассасаларининг компьютер техникаси, планшетлар, локал тармоқ ва юқори тезликдаги интернет билан таъминланиш даражаси яхшиланди.

2025 йили Қува тумани соғлиқни сақлаш тизимини янгича ташкил этиш бўйича республика миқёсидаги 15 та тажриба-синов ҳудудидан бири сифатида танлангани ушбу соҳадаги ислоҳотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Бу тажриба доирасида бирламчи тиббий хизматни қайта ташкиллаштириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, лаборатория хизматларини марказлаштириш ва соҳага рақамли ечимларни қўллашга жиддий эътибор қаратилди. Шу мақсадда республика бюджетидан 285 млрд. сўм, бунга қўшимча равишда маҳаллий бюджетдан 10 млрд. сўм йўналтирилди.

Халқаро ҳамкорлик ва тиббий туризм: янги имкониятлар

Хорижда тажриба орттирган юқори малакали ватандошларимизни юртимизга қайтариш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, мураккаб жарроҳлик амалиётларини замонавий технологиялар асосида бажаришни пухта ўзлаштирган 10 нафар етакчи шифокор вилоятимизга қайтиб, иш бошлади. Улар бугун мураккаб операцияларни Фарғонанинг ўзида ўтказиб, юзлаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолмоқда. Айни пайтда хорижда орттирган тажрибасини ҳамкасбларига ўргатиб, юқори малакали мутахассислар сафини кенгайтиришга ҳисса қўшмоқда.

Шу ўринда вилоят соғлиқни сақлаш тизимида йилдан-йилга халқаро ҳамкорлик кўлами ошиб бораётганини айтиб ўтиш ўринли. Хусусан, 2025-2026 йилларда Фарғона вилояти ҳокимлиги делегациясининг хорижий сафарлари, вилоят ҳокимлигидаги қабуллар жараёнида халқаро тиббиёт муассасалари, инвестиция компаниялари ҳамда фармацевтика корхоналари билан ҳамкорликнинг янги йўналишлари шакллантирилди.

Истиқболли ҳамкорлик кўлами хориждан мутахассис таклиф қилиш ёки шифокорларни малака оширишга юбориш билан чекланиб қолмайди. Бу борада замонавий кўп тармоқли шифохона қуриш, хусусий клиникалар ташкил этиш, лаборатория-диагностика хизматларини ривожлантириш, гемодиализ марказлари очиш, дори воситалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда тиббий таълимни халқаро тажриба асосида такомиллаштириш каби йўналишлар қамраб олинган.

Фарғона шаҳрида Саудия Арабистонининг “Vision Invest” компанияси билан ҳамкорликда 800 ўринли ДХШ асосида замонавий кўп тармоқли шифохона қуриш инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур шифо масканида кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, орган трансплантацияси каби юқори технологияли тиббий хизматларни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида бешта ихтисослаштирилган тиббиёт маркази филиалларини ягона мажмуага бирлаштириш ҳам режалаштирилган. Шунингдек, шифохона негизида тиббий таълим, илм-фан ва амалиётни бирлаштирувчи “Fergana Plus” кластерини ташкил этиш ташаббуси ҳам илгари сурилди.

Фарғона тиббиётида яқин истиқболга мўлжалланган ҳамкорлик алоқаларида Саудия Арабистонидан ташқари Жанубий Корея, Германия, Кувайт, Малайзия, Беларусь, Япония, Россия, Хитой, Туркия, Кипр ва АҚШ сингари дунёнинг ўнлаб мамлакатлари билан боғлиқ ташаббуслар борлиги эътиборга молик. Замонавий қулайликлар муҳайё этилиши вилоятда тиббиёт туризми ривожида муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда вилоятнинг Бешариқ, Қува, Фарғона, Олтиариқ, Сўх туманлари, Фарғона ва Қувасой шаҳарларида ушбу йўналишда катта имконият ҳамда салоҳият мавжуд.

Ота-боболаримиздан мерос “Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини



олган маъқул”, деган пурмаъно ибора бугун ҳам ўз мазмун-моҳиятини йўқотмаган. Эрта тонгда, файзли оқшомда озода ва ораста кўчаларда жисмоний баркамоллик билан машғул бўлган, оилавий сайр қилаётган юртдошларимизни кўрганда ҳавасингиз келади. Таълим муассасалари ва маҳаллалардаги спорт майдонлари ҳамиша соғлом турмуш тарзи ишқибозлари билан гавжум. Айни йўналишда биргина жорий йилнинг ўтган даврида тегишли масъул идоралар ҳамкорлигида вилоят миқёсида 37 минг маротабадан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилгани ҳамда уларда қарийб 500 минг нафар ҳамюртларимиз қатнашгани беҳад қувонарлидир.

Инсон учун энг катта бойлик — саломатлик. Оиламиз бағрида хотиржам яшаш, ишлаш, фарзандларимиз камолини кўриш, орзу қилган ишларимизни амалга ошириш учун, аввало, соғлиқ керак. Соғлом ҳаёт, соғлом турмуш тарзи, жисмонан ва маънан баркамоллик бахтли ҳамда фаровон яшаш, узоқ умр кўриш омили экани эса барчамизга яхши маълум. Бугун Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бу борадаги кенг кўламли ишлар ана шундай эзгу ва хайрли орзулар ижобатига қаратилган.

Мамлакатимиз етакчисининг истиқлолимизнинг 35 йиллиги байрамидаги нутқи якунида халқимизга ишонч билан қилган мурожаати бугунги фикр-мулоҳазаларимизга муносиб хотима бўлади:

“Биз бугун кечагидан кучлимиз. Насиб этса, эртага бундан ҳам кучли бўламиз. Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўлимиз бизга бир ҳақиқатни ўргатди: халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, забт этиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ... Биз ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва буюк келажагимизни биргаликда барпо этамиз!”

Хайрулло БОЗОРОВ,
Фарғона вилояти ҳокими,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ

1 — Саммитда билдирилган таклифлар Ўзбекистоннинг экологик масалаларга юксак эътибор қаратаётгани, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида халқаро ҳамкорликни кучайтиришга интилаётганини кўрсатди, — деди фракция раҳбари Актам Ҳаитов. — Зеро, бу ташаббуслар нафақат экологик хавфсизликни таъминлаш, балки давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Йиғилишда “Капитал бозори тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди. Ушбу ҳужжат соҳани замонавий қонунчилик асосида тартибга солиш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бозорда адолатли рақобат, очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган.



Қонун лойиҳаси билан капитал бозори воситалари турларини кенгайтириш назарда тутилмоқда. Жумладан, ҳосилавий молиявий воситалар, қопланган облигациялар, секюритизация, сукук ва баркарор ривожланиш облигацияларини чиқариш ҳамда уларнинг бозорда айланишини тартибга солувчи қоидалар белгиланмоқда.

Муҳокамада фракция аъзолари — Атҳам Назиркулов, Дилмурод Артиқов ва Хушвақт Ҳайитов қонун лойиҳасининг айрим моддалари юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар, таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Хусусан, ҳужжатда назарда тутилган нормаларнинг амалиётда қўлланилиши, уларнинг аҳамияти ва кутилаётган натижаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фракция аъзоси Ҳусан Ярқулов эса қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида масъул қўмита томонидан қатор ишлар амалга оширилгани ва ҳужжат матни янада такомиллаштирилганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар капитал бозорида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, инвесторлар ишончини ошириш ҳамда мамлакат иқтисодиётига маҳаллий ва хорижий сармояларни жалб қилиш учун янги имкониятлар яратади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Олти ёшли болалар бир йиллик тайёрлов гуруҳларига жалб этилади

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мактабгача ва мактаб таълими тизими интеграциясини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Унда “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, бир йиллик мактабга тайёрлов мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида белгиланмоқда. Яъни мактабгача таълим билан қамраб олинган 6 ёшли болалар боғчанинг ўзида, боғчага бормаётган болалар эса мактаб ва ижтимоий объектларда мажбурий тартибда мактабга тайёрлов гуруҳларига жалб қилинади.

Бунинг натижасида Ўзбекистон таълим тизимининг халқаро даражадаги мавқеи ошади ва ёшларга хорижий давлатда ўқиш учун қулай шароит яратилади.

Фракция аъзоси Жаҳонгир Мамажонов мактабгача таълим ташкилотларида ҳам тайёрлов гуруҳлари ташкил этилишидан келиб чиқиб, бунинг учун оилавий боғчаларда қанчалик шароит яратилгани, дарс берадиган ўқитувчилар таъминоти масаласини кўтарди.

Таълим ва илм-фан вазирлиги вакили ушбу масалани изоҳлаб, болалар уч соатлик дастур орқали ўқитилиши ва мазкур фаолият билан шуғулланувчи тарбиячиларнинг эса махсус дастур асосида малакаси оширилишини маълум қилди.

Йиғилишда қонун лойиҳаси қизғин муҳокама этилди. Мунозаралар давомида мазкур ҳужжатдаги ўзгартишлар умумий ўрта таълим тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга, 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов билан тўлиқ қамраб олишга, Ўзбекистон таълим тизимининг халқаро даражадаги мавқеини оширишга хизмат қилиши айтилиб, лойиҳа қўллаб-қувватланди. Айни чоғда депутатлар унинг иккинчи ўқишдаги муҳокамасида фаол иштирок этишини таъкидлаган ҳолда, фракциянинг таклифларини илгари суришини билдирди.

Парламент сўровини юбориш ташаббуси қўллаб-қувватланди

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида очиқ дренаж ва коллектор тармоқларини ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан сув хўжалиги вазирига парламент сўровини юбориш масаласи кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ шўрланишининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Президентимизнинг 2026 йил 16 февралдаги фармони билан 2026 — 2028 йилларда 10 минг километр очиқ дренаж ва коллектор тармоқларини ёпиқ тизимга ўтказиш вазифаси белгиланган. Дастлабки босқичда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги 3 минг километр тармоқни модернизация қилиш режалаштирилган. Бироқ депутатлар ўрганишлари айрим ҳудудларда белгиланган вазифалар ижроси кутилган суръатда бормаётганини кўрсатмоқда.

Муҳокамада лойиҳаларнинг амалий натижадорлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ёпиқ тизимга ўтказилган тармоқларнинг ерлар мелиоратив ҳолатига таъсири, сизот сувлари сатҳи ва тупроқ шўрланишидаги ўзгаришларни баҳолаш, шунингдек, бу борадаги маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Фракция аъзоси Нодира Рашидова таъкидлаганидек, очиқ дренаж ва коллекторларни ёпиқ тизимга ўтказишдан кўзланган асосий мақсад нафақат мавжуд инфратузилмани модернизациялаш, балки суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини сақлаш ва тупроқ шўрланишининг олдини олишдан иборат. Шу нуқтаи назардан, белгиланган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, зарур маблағлар билан таъминланиши ҳамда уларнинг ерлар ҳолатига таъсирини аниқ кўрсатувчи натижаларга эришилиши муҳим аҳамиятга эга.

Мунозаралар якунида фракция аъзолари томонидан мазкур йўналишда белгиланган вазифалар ижроси, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари юзасидан аниқ маълумот олиш мақсадида сув хўжалиги вазирига парламент сўрови юбориш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Масъулият, қатъийлик — асосий мақсад

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида долзарб масалалар қаторида депутатлик ва сенаторлик сўровлари ижроси учун мансабдор шахслар масъулиятини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Унга мувофиқ, давлат органлари мансабдор шахслари томонидан депутат ёки сенатор сўровини кўриб чиқишнинг қонунчиликда белгиланган муддатлари ва бошқа талаблари бузилган тақдирда, тегишли палата девонига айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласида судга мурожаат қилиш ёки Бош прокуратурага тақдимнома киритиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Аслида, депутатлик сўрови — халқ вакилларининг сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини қийнаётган муаммоларга масъул идоралар эътиборини қаратишдаги муҳим парламент назорати воситасидир. Шу боис унга ўз вақтида ва мазмунли жавоб бериш мансабдор шахсларнинг оддий расмиятчилиги эмас, балки қонуний мажбурияти ҳисобланади. Таклиф этилаётган янги тартиб эса ушбу мажбурият ижросини таъминлашнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган.

Муҳокама жараёнида депутат Анваржон Нурматов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193-моддасига киритилаётган ўзгартиришларни янада аниқлаштириш зарурлигини қайд этди. Хусусан, депутатлик сўровига белгиланган муддатда жавоб бермаслик ҳамда била туриб ёлғон маълумот тақдим қилиш ҳолатлари учун жавобгарликни алоҳида бандларда белгилаш таклифини илгари сурди.

Фракция аъзоси Зуҳра Шодиева эса электрон ҳужжат айланиши тизимида депутатлик сўровлари ижросини кузатиб бориш имконини берувчи алоҳида электрон платформа ёки ойна яратиш ташаббусини билдирди. Унинг



фикрича, бундай механизм сўровларнинг кўриб чиқилиш муддатлари ва натижалари бўйича самарали назорат юритишга хизмат қилади.

Депутатлар мазкур масала юзасидан билдирилган таклифларни иккинчи ўқишга қадар инобатга олиш шарти билан қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Ортиқча харажатларнинг олди олинади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг манфаатларини кўзлаб судларга даъво аризаларини киритишда давлат божини тўлашдан озод этишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сув ресурсларига талаб йил сайин ошиб бориши натижасида мамлакатимизда сувдан оқилона ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тежамкор суғориш технологияларини жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилгандан сўнг ушбу технологиялар қўлланилаётган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари кўлами кенгайиб, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Шу билан бирга, пудрат корхоналари томонидан сувни тежайдиган технологияларни ўрнатишда қурилмаларга кафолат муддати бериш, шунингдек, ушбу технологияларни эксплуатация қилишда, сервис хизматлари кўрсатишда айрим камчиликлар юзага келиши сабабли баъзи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан жорий этилган тежамкор технологиялардан экинларни суғориш мавсумида фойдаланмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг манфаатларини кўзлаб судларга даъво аризаларини киритишда давлат божини тўлашдан озод этишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоларининг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимояга олишнинг ҳуқуқий чораларини кучайтиришга, уларнинг фаолиятида ортиқча харажатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Савол-жавоб ва муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

2027 йилдан бошлаб Тошкент вилоятида Япония бозори учун тўқимачилик маҳсулотларининг синов партияларини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 17 ноябрь

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ САМИМИЙ МУЛОҚОТ

Технологиялар, халқаро коммуникация ва инсонпарварлик алоқалари замонавий ҳамкорликнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда

“Қадрли ҳамкасблар, танишинг: бу бизнинг янги ходимимиз — “001”. Бундай таништирув саҳнаси Хитойда чиқадиган ва дунёда энг йирик газеталардан бири бўлмиш “Жэньминь жибао” газетаси таҳририятида энди ҳайратланарли ҳолат эмас. Жорий йилда айнан шу таҳририятда сунъий интеллект асосидаги илк рақамли ходим расман тақдим қилинди.



Медиафорум

Бу билан ўзгаришлар тугагани йўқ. Таҳририятда сунъий интеллект (СИ) асосидаги янги авлод гуруҳларини шакллантириш давом эттирилиб, фаолиятни ташкиллаштириш форматлари босқичма-босқич ўзгартирилмоқда. Асосий ишларни инсон бажарадиган, СИдан эса ёрдамчи “ускуна” сифатида фойдаланиладиган анъанавий рақамли жамоалардан фарқли равишда, бу газета таҳририятида сунъий интеллект ташкилий тузилмага айлантирилиб, барча жараёнларга чуқур интеграция қилиняпти.

Ҳар бир ходим ўз касбий кўникмалари ва тажрибасидан келиб чиқиб, бир нечта рақамли “ёрдамчи” яратади ва уларга мустақил “таълим беради”. Инсон ва сунъий интеллект ўртасидаги ҳамкорлик туфайли иш унумдорлиги сезиларли даражада ортади. Энг биринчи мақсад — самарадорликни ўн баравар оширишга эришиш. Кўрсаткичлар салмоқли, шу боис ҳам айни пайтда “Жэньминь жибао”нинг рақамли бўлинмаси 50 нафардан иборат янги турдаги жамоани тузиш бўйича тажриба ўтказмоқда. У эса касбий кўникмалар ва ходимлар тўплаган тажрибани СИ-ходимларга ўргатади, турли вазифаларни мустақил бажаришга йўналтиради. Қўшимча кучлар эса ҳамиша керак. Негаки, газетанинг кунлик адади 3,5 миллион нусхадан ортиқ бўлиб, медиагуруҳнинг умумий аудиторияси 1,5 миллиард кишини ташкил этади.

Мазкур нашр, аввало, жиддий ижтимоий-сиёсий журналистика билан боғлиқ. 279 миллион обуначини бирлаштирувчи ижтимоий тармоқларда ўз аккаунтларини юритади. Шундай қилиб, таҳририят доирасида таҳлилий мақолалар, сиёсат ва халқаро муносабатлар ҳақидаги материаллар билан бир қаторда қисқа видеороликлар ҳам тайёрланади. Бу ерда, шунингдек, сунъий интеллект имкониятлари, ўз маълумотлар базаси ва контентни “машинада ўқиш”га мослаштириш тизими ривожлантирилади.

Таҳририятдаги кенг кўламли янгиланишлар ҳақида яқинда бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” оммавий ахборот воситалари ҳамкорлик форумида “Жэньминь жибао” газетасининг бош директори ўринбосари Е Чжэньчжэнь сўзлаб берди. Турли мамлакатлардан келган медиаҳамжамият вакилларини бир жойга тўплаган мазкур учрашувнинг марказий мавзуларидан бири сунъий интеллект бўлди. Шунингдек, муҳокамалар давомида журналистиканинг келажаги, янги технологиялар, иқтисодий ҳамкорлик, маданий алоқалар, ОАВнинг халқлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушунишдаги роли каби масалалар бўйича ҳам фикр алмашилди.

Профессионал музокаралар майдони

Анжуман Хитойнинг жануби-шарқий қисмидаги Фуцзянь музофоти маъмурий маркази Фучжоу шаҳрида ўтказилди. Унда 100 та мамлакатнинг 182 та оммавий ахборот воситасидан келган 200 нафар хорижий вакил, шунингдек, халқаро ва минтақавий тузилмалар ходимлари қатнашди.

Тадбир кўлами халқаро медиаҳамкорлик ва унинг давлатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришдаги ролини намойиш этди. Анжуманнинг формати ушбу масалаларни муҳокама қилиш учун жуда мос келади. Тадбир 2014 йилдан бери “Жэньминь жибао” газетаси таҳририяти томонидан ташкиллаштириб келинмоқда ва энди турли қитъаларнинг журналистлари, медианеджерлари профессионал мулоқот қиладиган йирик майдонга айланди.

Бу галги учрашувнинг дастури ялпи мажлис, “Бир макон, бир йўл” доирасида ҳамкорликдаги қурилиш натижаларининг тақдимоти, лойиҳа ахборот тармоғи кенгашининг навбатдаги мажлиси ҳамда минтақавий ҳамкорликка тегишли тематик анжуманларни ўз ичига олди.

Очилиш маросимида бир фикр айтилдики, у кейин бошқа кўплаб чиқишларда турлича кўринишда “қизил чизиқ” сингари ўтиб борди. “Бир макон, бир йўл” ташаббуси рўёбга чиқарилар экан, у аввало, Хитой мегалойиҳаси сифатида бошланиб, сўнг халқаро иқтисодий ва инсонпарвар ҳамкорлик платформасига айланди. Бу жараёнларда ОАВга алоҳида роль ажратилди — у ҳам бўлса, кечаётган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиш, турли мамлакатлар аудиторияларига бир-бирини яхши тушунишда ёрдам бериш, шунингдек, ҳамкорлик тўғрисида ҳаққоний тасаввурни шакллантиришдир.

Анжуманда технологик кун тартиби Буюк Ипак йўлининг тарихи, унинг ривожида Фуцзянь музофотининг роли ҳақидаги чиқишлар билан бирга давом этди. Бир неча юзйилликлар давомида бу вилоят ҳудуди Хитойнинг денгиз орқали қиладиган савдо-сотиқ ишлари учун муҳим марказлардан бири бўлиб келди, у Хитойни Жанубий-шарқий Осиё, Яқин Шарқ давлатлари ва бошқа минтақалар билан боғлаб турди.

Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Бутунхитой қўмитаси раиси ўринбосари Сянь Хуэй минтақанинг ташқи дунё билан қадимий савдо алоқалари ҳақида эслатди. Машҳур саёҳатчи Марко Поло ҳали XIII асрдаёқ бу ерлар гуллаб-яшнаганидан ҳайратланган. Унинг эсдалик ёзувларида қадимда хорижлик савдогарлар “Зайтун” деб атаган Цюаньчжоу порти қайд этилган. Мазкур бандаргоҳ Осиёнинг шарқий қирғоғидаги энг йирик порт саналган ва денгиз орқали ўтадиган Буюк Ипак йўлининг энг муҳим нуқталардан бири бўлган.

Бошқа бир тарихий магистраль йўл Уишань шаҳри билан боғланган бўлиб, бундан уч юз йиллар аввал машҳур Чой йўли



“Бугунги кунда тарих ҳамкорликнинг замонавий йўналишларини, яъни саёҳатлар индустрияси, маданий алоқалар ва халқаро коммуникацияларни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбирда, айниқса, Марказий Осиё давлатлари учун қизиқарли бўлган ва Буюк Ипак йўлининг қуруқликдаги тарихий маршрутлари билан боғлиқ имкониятлар ҳақида кўп маълумотлар берилди.”

шу ердан ўтган. Ундан хитой чойи юкланган карвонлар Мўғулистон орқали Россияга кириб, сўнг янада узоқроқ манзилларгача давом этган. Тадбир давомида учта мамлакат вакиллари биргаликда ушбу йўналишни ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш таклифини билдирди.

Иқтисодий кўрсаткичларга таянилган ҳолда минтақанинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида ҳам айтилди. Партия қўмитаси котиби Фуцзяни Чжао Лун шундай маълумотни келтирди: 2025 йил якунига кўра, музофотнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси аъзолари бўлган мамлакатлар билан ташқи савдоси ҳажми илк маротаба 1 трлн. юандан ортиқ бўлди (145 млрд. долларга яқин). Транспорт боғламалари ҳам ривожланмоқда. Анжуманда айтилишича, музофотда юзга яқин халқаро авиация маршрутлари ва 160 та денгиз йўналиши фаолият кўрсатмоқда. Тарихан ташқи йўналишларга мўлжалланган бу минтақа кўп асрлик савдо-сотиқ анъаналарини замонавий кўринишда, яъни технологик ва логистика асосида давом эттириб келмоқда.

Маърузачиларнинг чиқишларида савдо йўлларининг тарихи халқаро ҳамкорликнинг айни замондаги вазифалари билан муқояса қилинди. Сянь Хуэй шунга эътибор бердики, “Бир макон, бир йўл” доирасидаги ҳамкорлик айни пайтда 15-бешйиллик вазифаларини рўёбга чиқариш бошланган Хитойнинг узоқ муддатли сиёсатида муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳамкор давлатлар билан ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш эса тараққиётнинг стратегик йўналишлари қаторидан ўрин олган.

Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси тарғибот бўлими бошлиғининг ўринбосари Ху Хэпиннинг сўзларига қараганда, “Бир макон, бир йўл” ташаббусига 150 дан ортиқ мамлакатлар ва 30 та халқаро ташкилот қўшилган. Бутун дунё бўйича 4 мингдан ортиқ ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилган. Оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқалар ҳам кучаймоқда. “Бир макон, бир йўл” ахборот тармоғига 120 мамлакатнинг 327 та медиатузилмаси кирган. Улар шерикликнинг аниқ натижалари ҳақида хабар беришади, рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар одамлар ҳаётида қандай акс этаётганини кўрсатишади. Буни эса кўпинча йирик воқеалар ҳақидаги хабарлардан четда қолиб кетаётган халқаро аудитория етказишади.

Ху Хэпин таъкидлаганидек, бу ишда замонавий технологиялар ва сунъий интеллектни фаол қўллаш жуда муҳим. Хитой томони бундай ишларни жорий этишда кўмакчи бўлишга тайёр, деб ишонтирди у. Бунда сунъий интеллектни медиатармоқда ҳам ривожлантириш умумий стандарт ва қоидалар ишлаб чиқишни талаб этади, улар эса янги имкониятларни самарали ва масъулият билан қўллашга хизмат қилади.

Ахборот соҳасидаги ҳамкорликнинг муҳимлиги тўғрисида “Жэньминь жибао” газетасининг бош директори Юй Шаолян ҳам айтиб ўтди. У Фуцзяннинг тарихий меросига мурожаат қилиб, машҳур денгизчи Чжэн Хэ ушбу музофотнинг портларидан XV асрда еттита узоқ муддатли денгиз экспедициясини амалга оширганини, бу саёҳатлар Хитойнинг бошқа минтақалар билан ўрнатган муносабатларидаги энг қадимги алоқалар бўлганини эслатди. Юй Шаолянниг фикрича, замонавий ОАВ ҳам мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Журналистика ўзаро тушунмовчиликларни енгиб ўтишга ёрдам бериб, аудитория умумий манфаатлар ва мақсадлар ҳақида хабар қилар экан, бу жараёнда маданиятлар ва жамиятлар ўртасидаги тафовутларга нисбатан ҳурмат сақлайди.

Ушбу фикр хорижий иштирокчиларнинг чиқишларида давом эттирилди ва ривожлантирилди. Қозоғистоннинг “Казинформ” ахборот агентлиги директори Дана Рисмуҳамедова олтита тилда фаолият кўрсатувчи таҳририятнинг халқаро ҳамкорлиги ҳақида сўзлаб берди. Мазкур ОАВ хорижий медиатузилмалар билан 70 га яқин ҳамкорлик битимларини имзолаган. Унинг айтишича, бундай тажриба ахборот алмашувини кенгайтириш ҳамда турли давлатларнинг позицияларини кенгроқ тақдим этиш учун шароит яратади.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги ҳар томонлама мулоқот сайёҳлик сиёсатини ҳам бойитади. “China Tourism Group” раиси Ши Дай қадимий савдо ва цивилизация магистрали ҳисобланувчи йўл бўйлаб тарихий меросни оммалаштиришга қаратилган лойиҳалар ҳақида сўзлаб берди. Ушбу компания маданий-маърифий тадбирлар уюштиради, саёҳатга йўналтирилган лайнер ва поездларда тематик контентларни тарқатади. У тарихий Буюк Ипак йўли ўтадиган мамлакатларда юздан ортиқ сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиққан.

Анжуман қатнашчилари таъкидлаганидек, бугунги кунда тарих ҳамкорликнинг замонавий йўналишларини, яъни саёҳатлар индустрияси, маданий алоқалар ва халқаро коммуникацияларни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбирда, айниқса, Марказий Осиё давлатлари учун қизиқарли бўлган ва Буюк Ипак йўлининг қуруқликдаги тарихий маршрутлари билан боғлиқ имкониятлар ҳақида кўп маълумотлар берилди.

Ҳамжиҳатликнинг Марказий Осиё йўналиши

Халқаро ташкилотлар, ишбилармон доиралар ҳамда Хитойдаги вилоятлар вакилларининг ялпи мажлис ва секция йиғилишларида сўзлаган маърузалари шуни кўрсатдики, Марказий Осиё билан ҳамкорликнинг кун тартиби жуда хилма-хил бўлиб бормоқда. Илгари кўпроқ савдо-сотиқ, транспорт ва энергетика диққат марказида бўлган бўлса, энди улар қаторига рақамли технологиялар, таълим, маданий алмашув ва қўшма ахборот лойиҳалари ҳам қўшилди. “Хитой — Марказий Осиё” котибиятининг бош котиби ўринбосари Шохин Самади ушбу бирлашма тузилганидан сўнг шаклланган ҳамкорлик механизмларини тақдим этди. Унинг сўзларига кўра, вазирликлар ва тегишли идоралар даражасида 14 та ҳамкорлик платформасининг фаолияти йўлга қўйилган. Улар таълим, камбағалликни қисқартириш ва инфратузилмани ривожлантириш сингари турлича йўналишларни ўз ичига олади.

Нотиқ ўз чиқишида катта аҳамиятга эга бўлган қўшма лойиҳалар орасида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг қурилишини алоҳида қайд этди. Ушбу транспорт йўлаги Хитой, Марказий Осиё ва бошқа бозорлар орасида савдо қилиш учун минтақавий боғлиқликни ривожлантиришда муҳим бўғинга айланиши таъкидланди. Ш. Самади эътироф этишича, ХХР ва минтақамиз давлатлари ўртасидаги савдо ҳажми 2025 йилда илк маротаба 100 млрд. доллардан ошди. Транспорт лойиҳаларини ҳаётга татбиқ қилиш суръатини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич яна ҳам катталашади.

Мазкур фикр энергетика соҳаси, автомобилсозлик ва саноатнинг бошқа йўналишлари вакилларининг чиқишларида ҳам ўз аксини топди. Уларда Марказий Осиёдаги иштирокни кенгайтириш бўйича аниқ саъй-ҳаракатлар тўғрисида ҳам сўз борди.

Нефть ва газ конларини қидириш ҳамда ўзлаштириш бўйича Хитой миллий корпорацияси (CNODC) бош директори Чэнь Хуайлун Ўзбекистондаги лойиҳалар ва қўшма фаолият ҳақида сўзлаб берди. Автомобиль саноати ҳам шерикликнинг истиқболли йўналишларидан биридир. “Changan” ва “Dongfeng” компанияларининг вакиллари, Марказий Осиё бозорининг аҳамиятини англаган ҳолда, бу минтақани ўз тараққиёт дастурларига киритди.

Муҳокама иштирокчилари сайёҳлик соҳасидаги алмашинувлар мавзусига яна эътибор қаратди. Ляонин музофотининг маданият ва сайёҳлик департаменти раҳбари ўринбосари Хуан Фан эътироф этишича, қишки курортлар, геотермал чашмалар ва табиий диққатга сазовор жойлар хорижий сайёҳларни тобора ўзига тортмоқда. Бу ерга ташриф буюрувчилар орасида ўзбекистонликларнинг улуши ҳам ортмоқда.

Тарихан Буюк Ипак йўли шаҳарлар, савдо ва маданият марказларини бир-бири билан боғлаган. Бугунги кунда эса унинг мероси янгича шаклга эга бўлмоқда. Транспорт йўлаклари ва савдо йўналишлари билан бир қаторда, ахборот алоқалари ҳам кенгаймоқда. Улар эса билимлар алмашинувини тезлаштириш, дунёнинг турли чеккаларида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилиш имконини беради. Бундай ҳамкорликнинг сермазмун бўлиши эса, кўп жиҳатдан, янги технологик имкониятлар ўзаро ишончга асосланган шерикликни қай даражада тезлаштира олишига боғлиқ.

Руслан КЕНЖАЕВ
(«Халқ сўзи»).

Интилиш

БАХМАЛ ЗАЪФАРОНИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бахмал туманидаги заъфарон плантацияларида ҳосилни йиғиб олиш ишлари қизғин кетмоқда. Бу йилги мавсум нафақат мўл ҳосил, балки мамлакатимиз аграр илм-фани ва селекцияси учун янги саҳифа очувчи муҳим натижа билан ҳам аҳамиятли бўлаётир.



— Одатда, дунё тажрибасида битта гулдан уч дона стигма — қимматбаҳо заъфарон толаси олинади. Холдинг илмий ходимлари томонидан жорий мавсумда олиб борилган кузатувлар давомида эътиборга молик биологик ҳодиса аниқланди. Яъни маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилган пиёзбошилардан униб чиққан айрим гулларда 4 тадан 6 тагача стигма ривожлангани қайд этилди, — дейди “BMB HOLDING” қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил қилиш бўлими бошлиғи Бумайрам Усмонова. — Бу эса заъфаронни маҳаллийлаштириш борасида ўтказилаётган илмий изланишлар учун янги истиқболларни очади. Зеро, бир гулда стигмалар сонининг кўпайиши нафақат ўсимликнинг биологик хусусиятлари нуқтаи назаридан, балки келгусида хомашё ҳосилдорлигини ошириш имконияти жиҳатидан ҳам ўта муҳим.

Мутахассисларнинг дастлабки хулосасига кўра, бундай хусусият Бахмал тоғ тупроғининг минерал таркиби, баландлик ва ҳароратнинг кескин фарқи таъсирида юзага келган табиий генетик ўзгарувчанлик маҳсули бўлиши мумкин. Албатта, ушбу ҳолатнинг аниқ сабабларини белгилаш, унинг ирсий хусусиятларини ўрганиш ва кейинги авлодларда сақланиш даражасини баҳолаш учун қўшимча илмий тадқиқотлар зарур.

Таъкидлаш лозимки, “in vitro” пиёзбошилар захирасини шакллантириш табиий генетик хусусиятларни сақлаш ва кўпайтиришга қаратилган биотехнологик жараён ҳисобланади. Бахмал заминида қайд этилган натижа ҳозирча чуқур илмий ўрганишни талаб қиладиган истиқболли биологик кузатувдир. Бироқ дастлабки самаранинг ўзиёқ Ўзбекистонда заъфарончиликда маҳаллийлаштириш, селекция ва замонавий биотехнология усулларидан фойдаланиш нечоғли муҳим эканини кўрсатмоқда.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Қулайлик

ШИФО МАСКАНИ ЯНГИЛАНДИ

Шофиркон туманидаги Пашмон маҳалласида 4,5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Элчилик, кимнингдир тоби қочиб қолиши, яна кимнингдир шифокор маслаҳатига эҳтиёж сезиши бор. Аммо фаолият кўрсатаётган оилавий поликлиникадаги шароитлардан яқин-яқингача шифокорларнинг ҳам, аҳолининг ҳам кўнгли тўлмай келаётганди.



Ниҳоят, бу борадаги камчиликларга барҳам берилди. Оилавий поликлиника биноси 580 млн. сўм маблағ эвазига мукаммал таъмирдан чиқарилди. Натижада аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, касалликларни эрта аниқлаш, оналар ва болалар саломатлигини ишончли муҳофаза этиш имкониятлари кенгайди. Тиббий ходимларга ҳам қулай меҳнат шароитлари яратилди. Мазкур хайрли юмуш “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Ислом тараққиёт банки гуруҳи иштирокида бажарилди.

Эътиборлиси, маҳалладаги муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида умумий қиймати 18 млрд. 605 млн. сўм маблағ ажратилган.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг раиси Ш. Назаровга рафиқаси

Дилбар АШУРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси университетнинг Ички назорат ва мониторинг бошқармаси бошлиғи Шойзоқ Холмўминовга укаси

Норбой РАҲМАТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Солиқ қўмитаси тизим фаолиятини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари таклифларини ўрганиш мақсадида «Солиқ бўйича таклифлар» — «@soliqtaklif_bot» махсус ботини ишга туширди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.16 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6